



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 23 июль, № 142 (6072)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илгор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганган амалий кўникмалар билан chambarchас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг;

Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш;

Анджон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтининг филиалларини ташкил этиш;

Тошкент давлат стоматология институти хузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Тошкент давлат стоматология институти фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илгор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;

стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, ҳужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илгор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматоло-

гия соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илгор усулларини татбиқ этиш;

республиканин олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия ускуналаридан фойдаланган ҳолда илгор хорижий таълим билан ҳамкорлик қилиш;

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгиланган кўйилсинки, Тошкент давлат стоматология институти хузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази:

тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, илгор стоматология технологияларини, шу жумладан, юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биология ва сунъий материалларни қўланиш каби технологияларни жорий этиш юзасидан чуқур илмий изланишларни олиб бориш бўйича институтининг асосий тадқиқот бўлими хисобланади;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлайди ва шунга асосланган, стоматология соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади, шунингдек, стоматолог-врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

4. Тошкент давлат стоматология институтининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ташкилий тузилмада 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Институт ректорига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда институтининг ташкилий тузилма-

сига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида, зарурат бўлганда, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки, 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ҳамда стоматология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича республиканин бошқа олий тиббиёт таълим муассасаларига ҳужжатларини топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" 2014 йил 26 июндаги ПҚ-2193-сонли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ, Тошкент давлат стоматология институти ҳамда унинг филиалларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларига қабул қилинади.

6. Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия (Р. С. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда: Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин, устас ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, институтининг ўқув йили бошидан тўлақонли фаолият юритишни таъминлаш борасидаги бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин;

Тошкент давлат тиббиёт академияси ва бошқа олий тиббиёт таълими муассасаларининг тугатилган стоматология факультетларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларини стоматология соҳасида амалий иш таърибасига эга, ўқитиш ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий усулларини фаол қўллайдиган юқори малакали ташаббускор кадрлар билан таъминласин;

замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва дастурларини янгилаш ҳамда стоматология бўйича ўқув жараёнини ташкил этишни танқидий таҳлил қилсин ва илгор хорижий таърибани ҳисобга олиб қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат стоматология институти учун 2014/2015 ўқув йилининг бошланғич таълим қилинган давлат таълим стандартларига қатъий мос келадиган, стоматологик ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқишини таъминласин;

бир ой мuddатда Стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Таълим ва иқтисодий алоқалар билан биргаликда уч ой мuddатда машхур мутахассис ва олимларни институтида ишлашга ва дарс беришга жалб қилиш, стажировкаларни ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, биргаликда ўқув ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти учун хорижий мамлакатларнинг илгор ихтисослаштирилган университет ва институтидан техник ҳамкор белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Тошкент давлат стоматология институти фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда: Тошкент давлат стоматология

институти вақтинча Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 103-уйда жойлашган 3-сонли клиникаси ҳудудида жойлашишини;

2015 йилдан институтининг янги бинолари мажмуи, жумладан, ётоқхона, унинг филиаллари қурилишини бошлаш учун молиялаш манбалари, жумладан, грантлар, имтиёзли хорижий кредитлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни белгиланган ҳолда жорий йилнинг охиригача зарур лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутиш.

9. Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича олиб қилинган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январигача бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғиладиган йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлигига 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларида Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларида қурилиш ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтли нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обора бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилсин.

11. Маъмур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икромов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 июль

ФАОЛЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Шу йил 22 июль кuni Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги III конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда мазкур ташкилотнинг ҳудудий бўлинуларида сайланган делегатлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда уюшманиннг ўтган беш йиллик фаолияти атрофида муҳокама этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳани раванқ топтириш, унинг эркин фикр минбарига айланиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган ўнга яқин қонун ҳужжати фуқароларнинг ахборот олишига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналист касбининг жамиятдаги ижтимоий маъқеи ва мақомини тобора юксалтиришда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўз Низомида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш, соҳа ходимларининг билим ва касб маҳоратини оширишда фаол иштирок этмоқда. Утган вақт мобайнида уюшма қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда миллий журналистикани жаҳоннинг илгор таъриблари асосида ривожлантириш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш учун яқиндан кўмаклашишга оид медиафорумлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этди. Шу билан бирга, соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ижросини таъминлашнинг назорат қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Уюшма қошидаги олимлар, таърибали журналистлар, экспертлардан иборат мониторинг гуруҳи жамиятимиз ҳаётига оид энг долзарб ва ўткир масалалар кўтариб чиқилган материалларни атрофда таҳлил этиш ва ижодкорларга зарур тавсиялар беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН — ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам саноат салоҳиятини юксалтириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаёпти.

ДАСТУР ВА ИЖРО



Бу эса, ўз навбатида, истеъмол бозорини ранг-баранг маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш имконини бераётди. Чунинчи, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 октябрдаги йиғилиши баёни билан тасдиқланган "2014 — 2016 йилларда Бухоро вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури" доирасида жами 309 та лойиҳа амалга оширилиши ва ўн мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Эътиборлиси шундаки, бу борадаги ишлар дастлабки самарасини бермоқда. Буни "Qorako'l Asaka Tekstil" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Корхонамиз шу йилнинг март ойида ишга туширилди, — дейди жамият директори Шавкат Бафоев. — Илгари бу ерда "Қорақўлтёкс" қўшма корхонаси фаолият кўрсатар эди. Президентимизнинг 2008 йил 19 ноябрдаги фармойиши билан тасдиқланган "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларида аукцион ва танлов савдоларида реализация қилиш тартиби"га асосан, у "Асака" банки бошқаруви ҳисобига ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифим давомида Тошкентда кўрсатилган иззат-икром учун Латвия Республикаси делегацияси ва шахсан ўз номимдан Сизга миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Мен Сиз билан яна учраганимдан ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисидаги музокараларни давом эттирганимиздан астойдил мамнун бўлдим. Ишончим комилки, мазкур ташриф ва Сиз Жаноби Олийларининг ўтган йил октябр ойида Латвияга расмий ташрифингиз турли соҳалардаги Латвия — Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда муҳим омил бўлди. Мамлакатларимиз тадбиркорларининг ўзаро иқтисодий алоқаларимизни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этадиган сайёҳаракатларидан ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорлик самаралари ривожланиб бораётганидан гоят мамнун бўлганимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига, шунингдек, умумий хавфсизлик ва барқарорлик қафолатлари мустаҳкамлашига таъсири тобора ортиб бораётганлиги боис музокараларда минтақа истиқболига алоҳида эътибор қаратганимиздан трансдан. Мен транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб боришига ишонаман, бу манфаатли ва минтақаларо салмоқли лойиҳаларда ўз ифодасини топади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Андрис БЕРЗИНЬШ, Латвия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСINI 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 17 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгиланган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётимиз тармоқ ва соҳаларини ўрта мuddатда ривожлантириш дастурларини давом эттириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

I. Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш

Жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда таваккалчилик ва зиддиятлар кучайиб бораётганига қарамадан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва мақсадли амалга ошириш, шу мақсадда мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотни 8,1 фоиз ошириш имконини берди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастиглини, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг 482,1 миллион долларлик ижобий сальдосини ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Ички талабни рағбатлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирларнинг ижроси натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоиз, истеъмол товарлари 10,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 6,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,7 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ошди.

Юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни жаддалаштириш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,8 фоиз ва қурилиш ишларини 17,4 фоизга оширишни таъминлади.

Банк тизимининг ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаолигини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капиталли 24,6 фоиз, банкларнинг умумий активлари 28,8 фоиз, миջозларнинг банклардаги жалб қилинган депозитлари 30,4 фоизга кўпайди. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,2 фоизни ташкил қилди ва бу халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир.

2014 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,1
Истеъмол товарлари	110,8
Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	110,8
Қурилиш ишлари	117,4
Чакана савдо айланмаси	113,7
Пуллиқ хизматлар	109,7
Жами хизматлар	114,2

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Иқтисодиёт тармоқларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш мақсадида жорий йил бошдан паст нобарли ва зарар қўриб ишлаётган 144 корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, истикболсиз 10 корхонани тугатиш ва кейинчалик улар негизда янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш шарти билан янги мулкдорларга сотиш бўйича мақсадли “йўл хариталари” ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Тасдиқланган ушбу “йўл хариталари” доирасида тадбирларни амалга ошириш учун шу йилнинг биринчи ярмида қиймати 290 миллиард сўмдан зиёд инвестициялар жалб қилинди. Бунинг натижасида 109 корхона зарар қўришдан чиқарилди (умумий миқдорининг 76 фоизи) ва улар 50,4 миллиард сўм даромад олди, 2 мингта иш ўрни қайта тикланди. Умуман, қайта ташкил этилаётган корхоналарда жорий йил бошдан буён жами қиймати 3,1 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шунингдек, қиймати қарийб 118 миллион долларлик махсулот экспорт қилинди.

“Йўл хариталари”ни амалга ошириш билан бир қаторда иқтисодий ноҳор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда уларни янги мулкдорларга топшириш ишлари давом эттирилди. Тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати 1,1 триллион сўмлик, шу жумладан, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 527,6 миллиард сўмлик инвестициялар йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда жорий йил бошдан буён 1,4 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, қиймати 92,8 миллион долларга тенг махсулот экспорт қилинди, қарийб 17,3 мингта янги иш ўрни яратилди.

Саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида йирик корхоналарда қиймати 94 миллион долларлик 1,3 мингта маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди, шунингдек, технология жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаган қишлоқ харажатларини бартараф этиш тадбирлари амалга оширилди. Бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга қамайтириш, саноатда иш унумдорлигини 6,3 фоизга ошириш, янги ички махсулотда энергия сарфини 13 фоизга қисқартириш имконини берди.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш дастурлари, шунингдек, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришга ёрдам берди.

Хусусан, 2014 йилнинг биринчи ярмида машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш (ўсиш суръати 117,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (113,1 фоиз), енгил саноат (112,7 фоиз, шу жумладан, пахта қайта ишлаш — 122,1 фоиз, трикотаж — 122,3 фоиз, тикувчилик — 113,6 фоиз), тиббиёт (112,8 фоиз), қора металлургия (110,3 фоиз), озиқ-овқат саноати (107 фоиз) каби тармоқларда жадвал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш умумий таркибидан ушбу тармоқлар улуши 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 53,8 фоиздан 58,9 фоизга өтди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йил бошдан буён технология ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдирish учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан 1,7 триллион сўм (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 119,2 фоиз) ҳажмидаги кредит ажратилди. Натижада истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоиз, жумладан, озиқ-овқат махсулотлари 6,5 фоиз ва ноозиқ-овқат махсулотлари 13,8 фоиз өшди. Уларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 31,9 фоиздан 36,4 фоизга өшди.

Тайёр махсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида импорт ўрнини босадиган ва экспортбоқ махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кенгайтириш мақсадида қиймати 1,2 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, электр дуюҳка, газ ва электр плиталар, кондиционер, электр двигатели ва насослар, маиший электр асбоблари, мисланган пайвандлаш симлари, автомашиналар учун антифриз, спорт майдонлари учун сунъий қоплама, резина асосли қовролан, янги турдаги болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари ва бошқа 200 турдан зиёд махсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Умуман, маҳаллийлаштирилган

махсулотларни ишлаб чиқариш натижасида импорт ўрнини босиш самарадорлиги 504,7 миллион долларни ташкил өтди.

II. Юқори технологияли ва замонавий муҳим саноат объектлари ва қувватларни ишга тушириш, инвестициярий муҳитни ривожлантириш

Юқори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш, шунингдек, инвестициярий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида инвестициялар юқори ўсиш суръатларида (110,8 фоиз) ўзлаштирилди. Уларнинг ҳажми 15 триллион сўм өки 6,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Бу борада энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 1,6 минг, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳажми 1,4 марта, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 28,8 фоиз өшди.

Жорий йил бошдан буён 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион долларлик 64 лойиҳа амалга өшрилди. Хусусан, 350 миңг тонна ок цемент ишлаб чиқариш қувватига эга “Жиззах вилоятида портландцемент ва ок цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, 20 миңг тонна ва 2 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш қувватига эга “Гипс қукуни ва гипскартон ишлаб чиқариш”, 2,1 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш қувватига эга “Тошкент вилоятидаги “Ehsan Maybod Manufacturing Group” МЧЖ хорижий корхонасида сопол қошнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”, “Фосфорит хом ашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни 716 миңг тоннага қўпайтириш”, “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (қуввати — 5 миңг тонна), бир қунда миңг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга “Тошкент вилоятида янги замонавий шакар заводини қуриш ва ташкил этиш”, “Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси” масъулияти чекланган жамияти базасида “Дамас” русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (1-босқич)” (қуввати йилгига 40 миңгта автомобиль), “Қорақалпоғистон Республикасида бир йилда 5 миңг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга “Мангит” масъулияти чекланган жамияти базасида йигирув ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ва бошқа лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида шу йилнинг биринчи ярмида 2696 лойиҳа ҳаётга татбиқ өтилди. Чунончи, 1651 янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан қиймати 555,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди, лойиҳа ташаббускорларининг 730 миллиард сўмлик ўз маблағлари жалб өтилди ва 20,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида жорий йил бошдан буён узунлиги 213,6 километрлик автомобиль йўллари барпо өтилди ва реконструкция қилинди, 88 километр темир йўл қайта тикланди, 272 юк ва 13 йўловчи ташиш вагонлари тайёрланди. Ўзбекистон Миллий авиомагистрალი таркибига қирадиган автомобиль йўллари ни қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 425 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 257 миллиард сўм ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қаролати билан хорижий қарзлар ҳисобидан 73 миллион доллар ўзлаштирилди. Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тегишли равишда 20,3 миллион ва 12,1 миллион доллар ўзлаштирилди.

III. Рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир ишлар давом эттирилди.

Жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш сонини чеклаш, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, тадбиркорлик соҳасидаги

фаолиятни эркинлаштиришга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил апрелда қабул қилинган ҳўжатлариға мубофик 22 рўхсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди, 21 рўхсат бериш тартиб-таомилрини расмийлштириш муддати 2,1 марта, шунингдек, 11 турдаги фаолиятни ва рўхсат бериш жуусиятиға эга ҳўжатларни расмийлштиришда йилмиғлар ҳажми 4 марта қисқартрилди, ҳўжатлар тақдим этиш өки ваколатли органлар билан қелишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилингани ҳисобидан 31 рўхсат бериш тартиб-таомили бўйича расмийлштириш жараёнлари соддалаштирилди.

Аҳоли кенг қатламларга мамлакатимизда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича икки юздан зиёд семинар ва давра сўхбатлари ташкил өтилди.

Статистика, солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этишга доир қўрилаётган чора-тадбирлар доирасида айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг 97 фоизи солиқ ҳисоботларини, 92 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқда. Бундан ташқари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактсиз электрон шакллари жорий этилгани натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 187,2 миңгта боҳжона ок декларациялари (умумий миқдорнинг 97,2 фоизи) электрон шаклда расмийлштирилди. Ҳўжалик судлари томонидан 20,5 миңгдан зиёд электрон ариза ва мурожаатлар қўриб қилилиб, суд иши иштирокчилариға электрон шаклдаги суд ҳўжатлари юборилди.

Кичик корхоналар ташкил этишга қўмақлашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 25,5 миллиард сўмлик 86 давлат активи сотилди, фойдаланилмаётган 19,4 миңгта давлат мулки объекти ижараға берилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 4,8 триллион сўм миқдориди кредит, жумладан, 1 триллион сўмлик микрокредитлар берилди. Бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар қўлдир. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг 79 миллион долларлик кредит линиялари ўзлаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари махсулотларини сотишининг бозор механизмилари фаол жорий этилмоқда. Масалан, кичик тадбиркорлик субъектларининг жорий йил биринчи ярмида биржа савдолари орқали сотган ўз махсулотлари ҳажми 1,9 баробар өшди. Кичик бизнес субъектларидан электрон савдолари орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 189,9 миллиард сўми өки давлат харидлари умумий ҳажмининг 97 фоизини ташкил өтди. Давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобига ушбу мақсадлар учун қўзда тутилган 46,9 миллиард сўмлик өки 19,3 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 14,3 миңгта янги янги кичик бизнес субъектини (фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ташкил этиш имконини берди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноатда (умумий миқдорнинг 26,4 фоизи), савдо ва умумий өвқатлашни (29,3 фоиз) ва қурилиш соҳасида (12,4 фоиз) ташкил қилинди.

Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида янги ички махсулотда кичик бизнеснинг улуши 43,9 фоиз (2013 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 43,2 фоиз бўлган), саноатда 28,4 фоиз (27,4 фоиз), пуллик хизмат кўрсатишда 45,2 фоиз (40,9 фоиз), бандлик соҳасида 76,4 фоизга (75,8 фоиз) өтди.

IV. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш ҳамда жаҳон бозорига чиқилишнинг муҳим омил бўлган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш

Ташки бозордаги ўзгарувчан конъюнктураға қарамасдан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, илгари ўз махсулотини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, экспорт қилинаётган миллий махсулотларимиз номенклатурасини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажмининг 8 фоизга ўсишини таъминлади.

Жумладан, полиэтилен, кальциацияланган сода, аммиакли селитра, молибден, мис асосли қотишмалар, калава ип ва бошқа товарларнинг экспортга өтказиб бериш ҳажми өшди. Қиймати 96,2 миллион доллардан ортиқ 100 турдан зиёд товарлар, жумладан, хлорли аммоний, формалин, озуклоб аммоний фосфатлари, суюқ ва газсимон аргон, сирланган идишлар, қўлипплаш-пайвандлаш компонентлари, ёқилги насослар ва товуш псайтиригичлар, майдаланган мәрмар, электр одеялар, авто-

мобиль ўриндиқлари ва бошқа махсулотлар экспортга өтказиб берилди.

2012 — 2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида жорий йил бошдан буён хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун “Микрокредитбанк”нинг 15 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи йўналтирилди. Микро ва истеъмол кредитлашини ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, молиявий инфратузилма институтларини тараққий өттиришга доир қўрилган чоралар молия хизматлари ҳажминин 34,5 фоизга ошириш имконини берди.

2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун 60 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд өтилди. Рақамли телевиденига босқичма-босқич ўтишга доир амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолини рақамли телевидени билан қамраб олиш даражасини 45 фоизга өтказиш имконини берди. Мобиль алоқаси ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг қўпайиши, ажборт-коммуникация технологиялари негизда янги хизмат турларининг жорий өтилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТС-ни рақамлаштириш даражасининг оширилиши хисобот даврида алоқа ва ажбортлаштириш хизматлари 25,4 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18,4 фоизга өшишини таъминлади.

Жорий йил бошдан буён савдо ва умумий өвқатлаш соҳасида 2,8 миңгта, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 1,6 миңгдан ортиқ янги лойиҳа амалга оширилди. Бу чакана савдо ва умумий өвқатлаш хизматларининг 15,5 фоиз ва маиший хизматларининг 19,2 фоизга өшишини таъминлади.

Умуман айтганда, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадвал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар доирасида жорий йилнинг январь — июнь ойлариди сервис хизматлари кўрсатиш бўйича 5,9 миңгдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бунинг самарасида хизмат кўрсатиш соҳасининг янги ички махсулотдаги улуши 2013 йилнинг 1 ярмидаги 52,4 фоиздан 52,7 фоизга өтди.

V. Қишлоқ ҳўжалигини техник ва технология янгилаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ ҳўжалигини техник ва технология янгилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш давом өтирилди. 2013 — 2017 йилларда суғорилмадиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини оқилона фойдаланиш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Суғорилмадиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узунлиги 502,6 километр коллектор, вертикал дренажи 60 кудук, 857 кузатув қудуги ва 44,4 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, 6 744 километр ҳўжалиқларо ва ҳўжалик ичидидаги коллектор-дренаж тармоқларида таммирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди.

Асосий ва оралик экин майдонларида 255,8 миңг гектар ерга сазбавот, 81,5 миңг гектар ерга картошка ва 57,1 миңг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 2,4 миңг гектар майдонда янги боғлар, 5,6 миңг гектар ерда интензив боғлар ва 8,9 миңг гектар ерда узумзорлар барпо өтилди. 4,1 миңг гектардаги боғ ва 6,1 миңг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. 213,5 гектар майдонда 421 иссиқ-хона ташкил өтилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида рекорд даражада — 8 миллион тоннадан ортиқ галла ҳосили өтиштирилди. Бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари, хусусан, 2,4 миллион тонна сазбавот (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 110 фоиз), 1,2 миллион тонна картошка (111,3 фоиз), 150,7 миңг тонна полиз экинлари (111,1 фоиз), 782,4 миңг тонна мева (110,1 фоиз) ва 22,2 миңг тонна узум (112 фоиз) тайёрланиб, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада өшди. Мева-сабзавот махсулотларининг ўсиб бораётган ҳажмини ишончили сақлаш ва улари истеъмолчиларға қаролатли өтказиб беришини таъминлаш мақсадида мева-сабзавот махсулотларини сақлашининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирлар ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 13,5 миңг тонна мева-сабзавот махсулотларини сақлайдиган 29 янги совитадиган камера ташкил өтилди.

Жорий йил бошдан буён қорвачиликни ривожлантириш бўйича қорамоллар умумий сонини 37,4 миңг бош бўлган 1430 лойиҳа, паррандачиликни ривожлантириш бўйича паррандалар сонини 7,3 миллион бўлган 660 лойиҳа, 1,7 миңг гектар сунъий ва 5 миңг гектар табиий ҳовузларда балиқчиликни ривожлантиришга доир 677 лойиҳа, шунингдек, асарчилик ҳўжалиқларини ривожлантириш бўйича 800 лойиҳа амалга оширилди. Тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳалар-

нинг амалга оширилиши учун қорвачиликни ривожлантиришга 131,4 миллиард сўм, паррандачилик ҳўжалиқларини ташкил этиш учун 155,3 миллиард сўм, балиқчилик ва асарчилик ҳўжалиқларини ривожлантириш учун эса 12,9 миллиард сўм ажратилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича қорамоллар умумий сонини 4,4 фоизга өшиб, 10,7 миллион бошдан ортиқча ташкил өтди. Гўшт өтиштириш ҳажми 6,5 фоизга, сунд 6,7 фоизга, тукум 11,2 фоизга өшди.

VI. Иجتимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш масканларини ободонлаштириш

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қайта тартибдаги уй-жойлар қурилиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1,3 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд өтилган 4486 яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди, 417,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 74,6 километр айланма ва ички автомобиль йўллари, 165,5 километр электр ва 149 километр газ таъминоти тармоқлари ишга туширилди.

Жорий йил бошдан буён мамлакатимизда жами 5,8 миллион квадрат метр (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 113,9 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 4,4 миллион квадрат метр уй-жой (115,9 фоиз) фойдаланишга топширилди. 1,7 миңг километр сув таъминоти тармоғи (жумладан, қишлоқ жойларда 1,5 миңг километр) ва 289 километр газ тармоқлари (212,9 километр) барпо өтилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 93 умумтаълим мактаби капитал таъмирланди, қишлоқ жойлардаги 6,6 миңг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар реконструкция қилинди, 17 янги болалар спортни объекти бунёд өтилди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилишда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 490 миллиард сўмлик (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 109,3 фоиз), Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 200 миллиард сўмга яқин маблағи (113,2 фоиз) ва бошқа маблағлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун мамлакатимизда ҳукуматининг қаролатли остида халқаро молия институтларининг 6,9 миллион долларлик имтиёзли кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Умуман айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли асосда амалга ошириш натижасида жорий йил бошдан буён 506,4 миңг янги иш ўрни, улاردан 303,2 миңгтаси (59,9 фоиз) қишлоқ жойларда ташкил өтилди. Ортиқча иш қучи мавжуд 32 туман аҳолиси бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу ерда 74,7 миңг янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишга доир қўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт бўйича иш ҳақи 18,2 фоиз ва аҳолининг умумий даромади 18,8 фоиз ўсишига имкон яратди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов раҳнамоллигида ишлаб чиқилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларининг изчил ҳамда аниқ мақсадли амалга оширилиши натижасида глобал иқтисодиёт муаммоларни чуқурлашга бораётганга қарамасдан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётнинг мустаҳкам юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлиғи оширилди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни жадвал амалга ошириш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини мунтазам такомиллаштириш, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш учун муносиби шароит яратиш ҳисобидан иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларини чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш 2014 йилда Ўзбекистон Республикасини янада барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифаларидир.

ФАОЛЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Олтин қалам”, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улуг, энг азиз” каби танловлар соҳада самарали фаолият юритаётган фаол ва изланувчан ходимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

Конференцияда бугунги глобаллашув замонида уюшма фаолиятининг самара



Масъул сурури

ЭЛГА НАФИНГ ТЕГИБ ИШЛАГИНГ КЕЛАДИ

Хар гал дўстлар, ёру биродарлар билан учрашиб қол- сак, сўхбатимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган беқис янгиланишлар, ўзгаришлар, бўёқдорлик ишлари хусусида боради. Бундай боришлар кунларга етдилар бор, етмадилар бор, деҳ чуқур мушоада қиламиз.

Соёқ иттифоқ даврида савдо билан шуғулланиш қилиш иш эканини, бунинг ортдан ота-боболаримиз не-не азият чекканликларини ёши зулуғар жуда яхши билишди. Мустақиллик туғайин, бевосита Президентимиз ташаббуси билан ушбу масалага энгича ёндашилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш, одамларда мулкка қонуний ээлик, мулкдорлик ҳисси шаклланди.

Эсласак, авваллари аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотни топиб олиб келиш учун қанчадан-қанча оворасарчиликларга дуч келардиқ. Шўқрки, бузун деяр- ли барча маҳсулотлар ўзимизда — «Ўзбекистонда иш- лаб чиқарилган» ёрлиги остида хонадонларга кириб бормоқда. Албатта, бунда мамлакатимизда устувор бўлган бешта тамойилнинг бири — иқтисодиётнинг сўбсатдан устулчили соҳа ходимларининг ўз бизнесини ривожлантиришида дастуриламал бўлмоқда.

Айни чоғда биз фаолият юртайётган «Хоразм кафолат савдо» акциядорлик жамияти корхоналари вилоятимиз- нинг, асосан, қишлоқ жойлариди яшовчи аҳолига савдо хизмати кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, кейинги иш- ларда 20 дан ортиқ янги замонавий савдо шохобчалари — минимаркетлар, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қи- шбахор мавсуми учун захирага қамши мақсудиди Гуран, Шовот, Хива, Янгиерик ва Қўшқўр туманларида 5 та совуқчилик замонавий омборхоналар қуришиб иша туши- рилди. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган ўзимизнинг юк автомобилларидан сотиб олиб, корхонамизнинг моддий- техник базасини мустаҳкамладиқ.

Бузун хар бир юртодишимизнинг яхши кунларида ёзи- лаётган дастурхониди ноз-неъматлардан кўз қувон- иб, див яйрайди. Шу ва бошқа маҳсулотларнинг аҳоли- га зулуксиз етказиб берилишида, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Ватанимизнинг энг зулғ, энг азиз айёми арафасида жамиятимизнинг «Хонка кафолат савдо» шўба кор- хонаси томонидан Хонка туманидаги эски универмаг биноси қайта реконструкция қилиниб, у ерда замона- вий «Мега Маркет» савдо маржмаси иша туширили- ши туман аҳолисига ажойиб тўхфа бўлди. Одамлар юзидиғи мамнуликни кўриб, янада яхшироқ, самара- лироқ, эла нафинг тегиб ишлагинг келди.

Бақодир НОРБАЕВ, «Хоразм кафолат савдо» акциядорлик жамияти директори.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик субъектлари мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи асосий воситалардан бирига айланмоқ- да. Шу маънода, мазкур соҳада амалга оширилаёт- ган илохотлар самараси, аввало, иқтисодиётимиз тармоқларида кўзга яққол ташланапти.

Экспортчи корхоналар — иқтисодиёт таянчи

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига бино- ан, Ташқи иқтисодий фаоли- ят миллий банки хузурида Кичик бизнес ва хусусий тад- биркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб- қувватлаш жамғармасининг ташкил этилиши бу борада- ги ишларни янги бошқича кўтарди.

Айни пайтда бизнинг фи- лиалимиз жамоаси ҳам тад- биркорларнинг яқин ҳам- корлари ва маслаҳатчиси сифати- да ушбу йўналишдаги ишлар- ни тобора кенгайтиряпти. Жумладан, ўтган вақт мобай- ниди маҳаллий ишлаб чиқар- увчиларнинг тижорат так- лифларини хорижий ҳамкор- ларга етказиш ва экспорт сар- лоҳиятини ошириш мақсуди- да 1000 дан зиёд кичик биз- нес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида таёйрланаёт- ган маҳсулотлар турлари ти- зимили равишда таҳлил қилинди. Уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардош- лик даражаси аниқланиб, те- гишли маълумотлар базаси шакллантирилди. Ўтказилган шундай таҳлиллар натижаси- да жорий йилда 112 та тад- биркорлик субъектида жами 145 миллион АҚШ долларли- лик маҳсулотларни хорижга сотиш имконияти мавжудли- ги маълум бўлган бўлса, умумий қиймати 82,1 миллион АҚШ долларидан зиёд экс- порт шартномалари тузиш режалаштирилди.

Шунингдек, ўтган олти ой давомида 33 та кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик субъектига кўрсатилган хўқуқий, ташкилий хизматлар ту- файли жами 78,2 мил- лион долларлик экспорт шартномалари тузишга эришилди. 82 та иш- билармон эса, аллақачон, чет эллик харидорлар- га ўз маҳсулотларини етказиб берди.

Шу билан бирга, 10 нафар тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам берилгани, 38 та тадбиркорлик субъектига халқаро кўргазма ва ярмар- калар, тендерларда қатна- шиш ҳамда рўхсат берувчи хўжатлар, сертификат ёки лицензиялар олишда, божхо- на расмийлаштирувида кон- султоватчи хизматлар кўрсати- лишда, 33 нафар кичик бизнес вакилига экспорт шартномалари тузиш, уларни тегишли банкда рўйхатга қўйишда амалий ва хўқуқий хизматлар кўрсатилишида филиалимиз мутахассислари бош-қош бўлишди.

Мисол учун, «Mister Twister» МЧЖ раҳбари Хитойнинг «Xinjiang Lisheng Medikal Materials Co. LTD» корхонаси билан 550 минг АҚШ долларлик экспорт шартномаси тузиб, уни амалга ошириш учун молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Шунга биноан, тадбиркорга 100 млн. сўм миқдориди молиявий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги кунда ушбу шартнома дои- расидаги ишлар тўлиқ амал- га оширилган бўлиб, икки томонлама алоқалар тобора ривожланмоқда.

Кисқача айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган амалий ёрдам уларнинг дунё бозорига чиқиш имкони- ятини оширмоқда. Халқаро тажрибани ўрганиш эса ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш омилidir.

Сўхроб ҲАЛИМОВ, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали директори.

ЭЪЛОНЛАР

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиған очиқ аукцион савдоларига таклиф ётади.

Table with 5 columns: T/р, Объект номи, Сотилаётган объект (манзили, асосий фаолият йўналиши), Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси (сўм, АҚШ доллари). Rows include items like KINDER FRUITS, FARG'ONA KIMYO ZAVODI, NAMANGAN QOQ'OZI, ASIA SOKATO, NUKUS AGRO, ASAKA MAK, VODIY MUZQAYMOG'I, OQ SAROY TEXTILE, KOSONSOY TO'QIMACHI, ROYAL SILK, NAM TEX, NAMANGAN TO'QIMACHI, ANDIJON CHARM, SOGDIANA PIPEPLAST, GAZALKENT STONE, XUMO TO'QIMACHI.

Очиқ аукцион шартлари. Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Аукционда сотилаётган объектлар бўлиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш сўммасининг қолдиғига фойзлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўланганга қадар объектни ўзгага бериш ва унингни шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳўқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллибанк» бундан мустасно) тўланади. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qoq'oz» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 5 фоизи миқдориди, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдориди зақалат пулларини «Toshkent universal auksion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274. Аукционда иштирок этиш учун бюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади. Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юкориди кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин. Очиқ аукцион савдолари белгиланган кунлари соат 15.00 да бошланади ва куйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шохқўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31. Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шохқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru. Гўвоҳнома № 005357.

«REAL AUKTSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиған очиқ аукцион савдосига таклиф ётади. Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 августдаги 67226-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, «Муротали» ҚФЙда сақланаётган, давлат рақами 30-02ЕД бўлган «Магнум 8940» русумли трактор. Бошланғич баҳоси — 3 867 220 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 26 август кунни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Талаб- горлар аукцион савдосига қўйилган трактор билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Real auktsion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235. Гўвоҳнома № 006795. Аукцион савдоси ўтказиладиған манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 81-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА Жорий йилнинг июнь ойида об-ҳавони кузатиб бориш йўлга қўйилган- нидан бери энг иссиқ ҳарорат қайд этилди.

Энг иссиқ ҳарорат

Метеорологларнинг маълум қилишларича, янги рекорд 61,2 даражага тенг бўлган. Бу 2010 йилдаги кўрсаткичдан 1,20 даража юқоридир. Бундан ташқари, жорий йилнинг майи энг иссиқ келган ой деб ҳисобланди. Чунки ушбу ойда Янги Зеландия, Жанубий Америка шимолли, Гренландия, марказий Африка ва Жанубий Осиёда одатдагидан кўра анча юқори ҳарорат кузатилган.

Акцияларини сотиб олди

Жаҳонга машҳур «Forbes» журнали акцияларининг маълум бир қисми Гонконгнинг «Whale Media Investments» инвестиция компанияси томонидан сотиб олинди, дейилади «Евроњус» телеканални хабариди.

Ҳозирча мазкур келишувнинг молиявий томонлари ошқор этилгани йўқ. Шунга қарамай, баъзи оммавий ахборот воситаларида харидор бунинг учун 475 миллион АҚШ доллари миқдориди сармомия йўналтиргани ҳақида маълумотлар тарқатилган. Шартномага муво- фик, журнал активларининг қатта қисми Форбслар оиласи ишти- ёрида қолган. Стив Форбс эса ўзи эгаллаб турган лавозим — бош муҳаррир вазифасини бақаришда давом этади. «Forbes» миллион нусхада чиқадиған нашр ҳисобланиб, дунёнинг беш мамлака- тиди чоп этилади.

Савдода ўсиш

Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси жорий йилнинг биринчи чорагини мўмай даромад билан яқунлади.

Корхона маҳсулотларининг савдоси ушбу давр- да 19 фоиз ўсиб, умумий маблағ тушуми 22 мил- лиард АҚШ долларини ташкил этган.

Бундай ижобий кўрсаткич туфайли «Huawei Technologies» телекоммуникация технологиялари бозоридиғи мавқени мустаҳкамлаб, иккинчи ўрин- га кўтарилиб олди. Олти йил олдин смартфонлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган компания бу борада ҳам яхши нати- жаларга эришмоқда. Масалан, «Huawei Technologies» ўтган йили шу тўрдаги маҳсулотлар сотиш бўйича фақат «Samsung» ва «Apple» дан ортда қолган.

Товон пули тўлайди

АҚШнинг тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқа- рувчи «R.J. Reynolds Tobacco» компанияси турмуш ўртоғи кашандалик туфайли оламдан кўз юмган бева аёлга 23 миллиард АҚШ долларида зийд миқдорда тоvon пули тўлайди.

Флорида суди шун- дай ҳукм чиқарди. Син- тия Робинсоннинг тур- муш ўртоғи Майкл Жек- сон кунига уч қутигача сигарета чеккан. Бунинг оқибатида у йўқа сарато- нига чалиниб, 1996 йилда 36 ёшида ҳаёт- дан кўз юмган.

Синтиянинг давосига кўра, ўша пайтларда ком- пания ўш маҳсулотлари- да уларнинг инсон салом- атлиғига зарари ҳақида маълумотлар бермаган. Оқибатда Майкл бости- риб кетверган. Тўрт ҳафта давом эт- ган мурожаатдан сўнг суд дастлаб «R.J. Reynolds Tobacco» бева аёлга 7,3, унинг ўғлига эса 9,6 миллион АҚШ доллари миқдориди тоvon пули тўлаши ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо яна етти соатлик мурожаатдан кей- ин давോഗарларга тўла- надиған сумма миқдори 23,6 миллиард АҚШ доллариға оширилган.

Муаммо қўлами кенгаймоқда

XXI асрда болалардаги семизлик энг жиддий муаммолардан бири сифатида тобора кенг қулоч ёзиб борапти.

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълум қилди. Хусусан, 1991 йилда ор- тикча вазнга эга бўлган болалар дунё бўйича 31 миллион нафарни ташкил этган бўлса, айни пайт- да уларнинг сони 40 миллиондан ортган. 2025 йилга бориб эса бу кўрсаткич 75 миллион нафар- га етиши тахмин қилинмоқда. Худудлар бўйича таҳлил этилганда сўнгги йиллар- да болалар ўртасида семизлик касалига дучор бўлиш ҳолати Африка қитъасида кўпайган. Буни ўн беш йил муқаддам бу ерда ортиқча вазнга эга мазкур эш тоифасидагилар тўрт миллион нафарни ташкил эт- тани ва ҳозирги кунга келиб улар сони ўн миллион нафарга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосиди тайёрланди.

«Ўзғашмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси беш мутахассис Жаҳонгир Мамадиевга волидаи муҳтарамаси ЗЕБИНИСО онанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент архитектура-қурилиш институти лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш кафедраси қатта ўқитувчиси Ўқтам Ҳуррамович ТУЛБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



НАФОСАТ ОЛАМИ ОШУФТАСИМАН

Шу йил Бухоро шаҳридаги 2-умумтаълим мактабини тугатдим. Энди ўқишни шахримиздаги санат коллежида хореография йўналишида давом эттираман. Чунки ушбу таълим даргоҳида мусиқа ва рақс сирларини пухта ўргатишди. Бадий гимнастикани учун бу жуда муҳим. Бундай фикрга келганимдан ўзимиздагилар хурсанд. Гап шундаки, ота-онам спортга, айниқса, бадий гимнастикага жуда қизиқшадди.

Мени "Нафис" спорт мажмуасига ҳам айнан улар бошлаб келишган. Ушунда муҳташам спорт зали, унда машғулот ўтказиладиган ўзим тенги қизларни қўриб, дарҳол улар сафига бориб қўшилганман. Мурабийимиз Римма Хохлова онамга қараб, "Қизингиз айни биздон, ундан, албатта, чемпиони чиқади", деган экан. Яхши ният яхши-да. Дастлаб вилоят, кейин республика миқёсидаги мусобақаларда галиб чиқа бошладим. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоллигига қабул қилиндим. 2012 йилда нуфузли халқаро турнирда фахрли ўринни эгалладим.

Эсимда, гимнастикачилардан бири "Зарина, Ўзбекистондан эканлигингни эшитиб, атайин ёнига келдим. Менинг бобом — тарихчи. У киши Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, меҳмондўст ўзбек халқи ҳақида бизга кўп нарсаларни айтиб берганлар. Шу шаҳарларни ўз кўзим билан кўриш — орзум", деб қолди. Бегона нортада буткул ёт кишидан Ватанимиз ҳақида бундай самимий сўзларни эшитиш одамга бошқача таъсир қиларкан. Унга она-юртимиз, йилдан-йилга чирой очиб бораётган шаҳарларимиз ҳақида сўзлаб бердим. Айниқса, биз, ёшларнинг ўқишимиз, касб-хунар эгаллашимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида айтиб берганларни уни дол қолдирди. Қарасам, атрофимизда бошқа гимнастикачи қизлар ҳам туپланишибди. Уларнинг менга ҳавас билан қарашётганини сезиб, ўзбекистонлик эканлигимдан фахрланиб кетдим.

Чет эллик тендошларимнинг ҳавас қилишганича бор. Мамлакатимиз ўғил-қизлари учун барча қўлайликлар муҳайё этилган. Мана, шу биргина "Нафис" спорт мажмуасини олиб кўринг. Кейинги йилларда бу ердан Хусниябону Ғуломова, Дарья Свечникова, Замира Саноккулова сингари жаҳон, Осиё миқёсидаги мусобақаларда галиб бўлган гимнастикачилар етишиб чиқди. Мен уларнинг бир издоши эканлигимдан гурурланаман. Узимни Ўзбекистоннинг бир бахтли қизи, деб биламан.

Зарина НИГМАТОВА, бадий гимнастикачи.

Фарғонанинг кичик олимпия шаҳарчаси

Фарғонанинг Қирғули мавзеида жойлашган "Нефтчи" спорт мажмуасини водийликлар "Кичик олимпия шаҳарчаси" деб аташади. Бу бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари туғрисида"ги қарорига мувофиқ, иншоот тўлиқ қайта таъмирланди. Натижада мазкур таърифга ҳар томонлама муносиб муҳташам мажмуа пайдо бўлди. Ушбу хайрли тадбирга жами 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

ЭЪТИБОР

Таъмирлаш ишлари маҳаллий ёшларнинг қизиқиши, хоҳиш ва истакларидан ҳамда мақсаду интилишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган эътиборлидир. Пировардиди "Нефтчи" спорт мажмуаси нафақат кўркам ва замонавий қиёфа касб этди, балки у спортга ихлосманд ўғил-қизларимизнинг энг сеvimли масканига айланган. Ҳозир бу ерда 400 нафар ўғил-қиз спортнинг етти тури билан мунтазам шуғулланишмоқда.

— Бир пайтлар мен ҳам ушбу мажмуа машғулотларида қатнашганман, — дейди Ўзбекистон чемпиони, сузиш бўйича мурабийи Малика Абдуқодирова. — Аммо у даврдаги "Нефтчи" спорт мажмуасининг катта фарқи бор. Негаки, биз совуқ кунлар бошланиши билан машғулотларни тўхтатардик. Ҳозир 28 нафар шогирдим билан йилнинг истаган пайтида шуғулланишимиз мумкин. Улар бундай юк-тазам шуғулланишмоқда.




"Нефтчи" спорт мажмуасида шуғулланиб, тажриба орттирган эди. Энди эса Ўзбекистон терма жамоаси сафига халқаро мусобақаларда галабаларга эришиб келмоқда.

Каратэ бўйича мамлакат чемпиони Мўйдин Собиров, бокс билан шуғулланиб, спорт усталиги даражасига эришган Илхом Ҳакимбеков ҳам спортнинг сирли оламига ана шу ерда қадам қўйган.

Бу ерда ташкил қилинган баскетбол, гандбол, мини-футбол секцияларидаги машғулотларда қатнашаётган ёш ўғил-қизлар ҳозирги кунда вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Мухтасар айтганда, "Нефтчи" спорт мажмуасида ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит ва қўлайликлар яратилган. Бу эса, вақти келиб, мамлакатимиз обрў-эътиборини халқаро майдонларда бундан-да юксалтиришга қодир бўлган яна кўплаб спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Набижон СОБИРОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.



Навоий шаҳрида фаолият бошлаган "Лорафон" кўп тармоқли хусусий поликлиникасида эҳтиётсизлик туфайли эшитиш қобилиятини йўқотган беморларнинг кулоқ пардасини тиклаш амалиёти муваффақиятли уддаланди.

Мураккаб жарроҳлик амалиёти

Шу билан бирга, мазкур шифо масканининг малакали мутахассислари юқори жағ бўшлиғи яллиғланиши хасталигини жарроҳлик амалиёти билан даволаш усулларини ўзлаштиришди.

— Муассасамизни илғор тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашда банкнинг 264 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик, — дейди "Лорафон" хусусий поликлиникаси бош шифокори Отабек Бозоров. — Айни пайтда ушбу қурилма лар ёрдамида энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

2014/2015 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- банк иши (фаолият турлари бўйича);
- давлат молиясини бошқариш;
- банк ҳисоби ва аудит;
- солиқлар ва солиққа тортиш;
- инвестицияларни бошқариш (банк сектори учун);
- аудит (молия соҳасида);
- инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун);
- пенсия иши;
- корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори;
- сугурта иши.

Академия магистратурасига иқтисод соҳасида бакалавр даражасига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган номзодлар вазириликлар, ташкилотлар, банклар ва реал сектор корхоналари раҳбарларининг йўлланмалари билан танлов асосида қабул қилинади. Академия магистратурасига ҳужжат топшираётган вақтда номзодлар тавсия этаётган вазирилик ва бошқа ташкилотларда камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари керак.

Номзодлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- мутахассислиги кўрсатилган ҳолда белги-ланган шаклдаги ариза;
 - олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илованинг асли;
 - 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
 - тегишли вазирилик ва бошқа ташкилот раҳбари томонидан имзоланган йўлланма ва тавсифнома;
 - ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
 - 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
 - меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 1 августдан

Кириш тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 2014 йил 10 сентябрь кuni ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва унинг магистратурасига қабул тўғрисидаги батафсил маълумотларни bfa.uz интернет саҳифасидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Телефон: (8-371) 237-54-53. Факс: (8-371) 237-50-11.

30 августгача амалга оширилади. Ҳужжатларни тақдим этиш жараёнида номзодлар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

Номзодлар "Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти асослари" мутахассислик фани ва инглиз тили фанларидан кириш тест синовларидан ўтадилар.

Халқаро тест бўйича инглиз тилида IELTS (International English Language Testing System) ёки TOEFL (Test of English as a Foreign Language) имтиҳонларини топширган ва амалдаги IELTS сертификати бўйича камида 5.0 баллга ёки ушбу баллнинг эквивалентига тенг бўлган TOEFL сертификати эга бўлган номзодлар инглиз тили фани бўйича кириш тест синовларини топширишдан озод этилади. Ушбу номзодларга инглиз тили фанидан энг юқори балл ҳисобланади.

Белгиланган тартибда GMAT (The Graduate Management Admission Test — бизнес мактабларида муваффақиятли ўқиш имкониятларини аниқлаш учун стандартлаштирилган тест) тизимида камида 500 баллик амалдаги сертификатга эга бўлган номзодлар мутахассислик фани ва инглиз тили фанларидан кириш тест синовларини топширишдан озод этилади. Ушбу номзодларга мутахассислик фани ва инглиз тили фанидан энг юқори балл ҳисобланади.

ЭЪЛОНЛАР

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
 бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамасининг 2014 йил 4 апрелдаги 83-сонли қарори, «Oniks» ОАЖнинг 2014 йил 30 майдаги акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси ва «Oniks» ОАЖнинг 2014 йил 23 июндаги 319/32-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Умумий ер майдони 16558 кв.м. бўлган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18-блоклар.
Бошланғич баҳоси — 4 288 181 156 сўм.
2. Умумий ер майдони 9173 кв.м. бўлган 37-блок.
Бошланғич баҳоси — 7 822 143 865 сўм.
3. Умумий ер майдони 6560 кв.м. бўлган 38, 39, 40-блоклар.
Бошланғич баҳоси — 8 205 295 584 сўм.
4. Умумий ер майдони 18 790 кв.м. бўлган 54, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81-блоклар.
Бошланғич баҳоси — 4 479 625 245 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 25 август кuni соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 22 август кuni соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 25 август кuni сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2014 йил 5 ва 15 сентябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун

аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 5 сентябрдаги савдо учун — 3 сентябрь ва 15 сентябрдаги савдо учун — 12 сентябрь, аризалар соат 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:
* юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
* jisмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

* аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули туланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси гулобига 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракмиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали
 бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик сундининг 2014 йил 17 июндаги 23-1404/3331-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, «Нукус — Тўрткўл» автомагистрალი бўйида жойлашган, умумий майдони 14541,37 кв.м. бўлган автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси биноси ва 11 номдаги мол-мулклар мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 661 562 400 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 26 август кuni соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача

қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 22 август кuni соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Koc'hmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
 Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Мақамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
 Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
 Навбатчи — О. Файзиев.
 Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
 «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5